

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО  
СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
ТЕХНИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ  
ИМЕНИ АБУ РАЙХАНА БЕРУНИЙ**



**Кафедра «Безопасность жизнедеятельности»**

**Республиканская научно-практическая конференция  
«Создание образовательной системы в области  
безопасности жизнедеятельности в  
Республике Узбекистан»**

**ТАШКЕНТ 2010**

**13.. Ибрагимов Э.И. (ТИМИ)**

ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИНИ ОММАВИЙ ХИЗМАТ  
КЎРСАТИШ НАЗАРИЯСИНИ ҚЎЛЛАБ ЕЧИШ

**14. С. Гафиназарова, С.А. Асилова (ТИМИ)**

К ВОПРОСУ ОБ УЛУЧШЕНИИ КАЧЕСТВА ОБУЧЕНИЯ – ФАКТОРА  
ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ПОДГОТОВКИ СПЕЦИАЛИСТОВ ПО  
БЕЗОПАСНОСТИ ЖИЗНЕДЕЯТЕЛЬНОСТИ

## ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИНИ ОММАВИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ НАЗАРИЯСИНИ ҚЎЛЛАБ ЕЧИШ

Ибрагимов Э.И. (ТИМИ)

Турли тусдаги фавқулодда вазиятлар содир бўлганда фуқаро муҳофазаси тадбирларини муваффақиятли амалга оширишнинг асосий шартларидан бири зарур ва старли даражада моддий-техника таъминотини шакллантириш ҳисобланади.

Моддий-техника таъминоти старли даражада, ҳар томонлама ва ўз вақтида амалга оширилгандагина фавқулодда вазият шароитида халқ хўжалиги объектларининг барқарор ишлашини таъминлаш, авария-қутқарув ва бошқа шошилиш ишларни ўтказиш тадбирларини муваффақиятли бажариш мумкин.

Фуқаро муҳофазаси тадбирлари моддий-техник таъминотининг вазифаларига фуқаро муҳофазаси тузилмаларини муҳофаза техникаси ва алоқа воситалари, радиациявий ва кимёвий разведка асбоблари, ёнилғи-мойлаш материаллари, доридармонлар, озик-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар ва бошқа воситалар билан таъминлашни керакли ҳажмда ўз вақтида ташкил этишдан ва амалга оширишдан иборат бўлади.

Қутқарув ишлари мобайнида ишдан чиққан техникани тўзатишни ташкил этиш, машиналарга белгиланган муддатларда ва тўлиқ ҳажмда техник хизмат кўрсатиш, захира қисмлар ва таъмирлаш материаллари билан таъминлаш, шикастланган ва бузилган техникани шикастланган машиналар тўпланадиган пўнктларга ёки муқим таъмирлаш корхоналарига эвакуация қилиш, техникани таъмирлаш ва эвакуация қилиш куч ва воситаларини тайёрлаш техник таъминлашнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Фавқулодда вазиятларда қутқариш ишлари ўтказиш вақтида бузилган машиналарни тиклаш учун таъмирлаш-қайта тиклаш гуруҳлари ташкил қилинади. Улар шикастланган машиналарни тўплаш ва таъмирлаш пўнкти(ШМТТП)ни ташкил қилиш учун қулай ер участкаси танлаб олишади ва зарур асбоб – ускуналарни, воситаларни ва қурилмаларни жойлаштиришади. ШМТТПда таъмирлаш-қайта тиклаш гуруҳи шикастланган машиналарни жорий таъмирлаш ишларини ўтказишади. Бунда й